O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
BESHARIQ TUMANI
HOKIMINING

QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
БЕШАРИҚ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

«30» 09 2020 yil № 975 Beshariq shahri

2021 йил туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги Қонуннинг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 41-сон 543-модда) ва "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 18-сон, 233-модда) Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли қарорига асосан туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни 2021 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини ажратиш, қўшимча иш жойлари яратиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш мақсадида, туман Адлия бўлимининг 2020 йил 30 сентябр кунги №19/1-5/-376-сонли хулоса хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бешариқ туманида квота иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссиянинг таркиби 1-иловага ҳамда Бешариқ туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан тумандаги корхоналарда 2020 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд килинган (квота) иш жойларини тақсимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар тоифалари бўйича қуйидаги умумий тартибларга асосланиши шарт:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун-болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари 0.5 фоиз (30 киши);

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касби бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 3.8 фоиз (181 киши);

сафарбарлик чақирув заҳирасига киритилган шахслар, муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касблари бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 1.1 фоиз (58 киши);

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсатгичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари 3 фоиз (157 киши);

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари 0.6 фоиз (28 киши);

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларни касб бўйича тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари 0.8 фоиз (46 киши);.

одам савдосидан жабрланганлар шахслар учун - уларнинг касби бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 0.2 фоиз (12 киши);

3. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли қарори билан тасдиқланган низомига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминласинлар;

корхона ва ташкилотлар, йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 фоиз ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин ҳамда бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берсин;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётан шахслар учун иш ўринларини қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилотлар (иш берувчилар) томонидан календар йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берсин.

4. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солиниши таъминлаб борилсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича тегишли қарорини бажармаганлик учун жарима тўлаганлиги ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2019-Б сонли буйруғига (АВ рўйхат рақами №3163, 31 март 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

6. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ш.Азизова) беш кун муддатда ушбу Қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу Қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

7. Белгилансинки, ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Саматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **Р. К. Жўраев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BAYON VILOYATI BESHARIQ TUMANI HOKIMI
BAYON QISMI

Туман ҳокимининг
2020 йил “30” сентябр кунги
“175”- сонли қарорига
1-илова

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш, иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйишни, назорат қилиш бўйича туман комиссиясининг

Т А Р К И Б И

1.Т.Саматов	Туман хокиминниг биринчи ўринбосари, **комиссия раиси**
2. Ш. Азизова	Туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори, **комиссия раисининг ўринбосари**

А Ъ З О Л А Р И

3. Қ. Исматуллаева	Туман халқ таълими бўлими мудири
4. Ш. Бораталиева	Туман Мактабгача таълим бўлими мудири
5. Д. Ғаниева	Фарғона вилояти “Ҳунармандлар уюшмаси” Бешариқ туман бўлинмаси рахбари
6. А.Фозилов	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори ўринбосари
7. О. Умаров	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази мутахассиси, комиссия котиби

Туман ҳокимининг
2020 йил “ 30 ” сентябрдаги
“ 875 ”- сонли қарорига
2-илова

Бешариқ туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан тумандаги корхоналарда 2020 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд килинган (квота) иш жойларини ТАҚСИМОТИ

№	Корхона ташкилот ва муассасалар номи	Ходимлар сони	Жами иш Захира (КВОТА) килинган ўринлари	Ёлғиз ота, ёлғиз она хамда ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун	Таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	Ногиронлар учун	Туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш кидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун	Жазони ўташ муассасалардан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун	Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдосидан жабрланганлар учун
1	Бешариқ тумани Санитария эпидемиология ва осойишталик маркази	76	4	0	1	1	1	1	0	0

2	Бешариқ тумани ветеринария бўлими	46	3	0	2	0	1	0	0	0
3	Бешариқ тумани 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби	52	3	0	1	0	1	1	0	0
4	Бешариқ тумани Ободонлаштириш бошқармаси	168	9	0	3	1	3	1	1	0
5	Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси	2412	118	1	30	27	35	14	11	0
6	№12-мактабгача таълим ташкилоти	28	1	0	1	0	0	0	0	0

7	№36-мактабгача таълим ташкилоти	29	1	0	1	0	0	0	0	0
8	№10-мактабгача таълим ташкилоти	42	3	0	1	0	1	0	1	0
9	№10-умумий ўрта таълим мактаби	124	9	1	2	0	4	1	1	0
10	№11-мактабгача таълим ташкилоти	39	3	0	0	1	1	1	0	0
11	№11-умумий ўрта таълим мактаби	125	8	1	2	0	4	1	0	0
12	№13-умумий ўрта таълим мактаби	146	9	1	3	1	4	0	0	0

13	№14-мактабгача таълим ташкилоти	28	2	0	2	0	0	0	0	0
14	№14-умумий ўрта таълим мактаби	75	5	1	1	1	2	0	0	0
15	№15-мактабгача таълим ташкилоти	33	2		2	0	0	0	0	0
16	№15-умумий ўрта таълим мактаби	94	7	1	2	1	3	0	0	0
17	№16-мактабгача таълим ташкилоти	33	2	1	1	0	0	0	0	0
18	№16-умумий ўрта таълим мактаби	103	7	1	2	1	3	0	0	0

19	№17-мактабгача таълим ташкилоти	26	1	0	1	0	0	0	0	0
20	№17-умумий ўрта таълим мактаби	130	10	1	4	1	4	0	0	0
21	№18-умумий ўрта таълим мактаби	100	8	1	3	0	3	0	1	0
22	№19-мактабгача таълим ташкилоти	37	1	0	1	0	0	0	0	0
23	№19-умумий ўрта таълим мактаби	117	9	1	4	0	3	1	0	0

24	№1-ижтимоий – гуманитар фанларга ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаби	106	6	1	2	1	2	0	0	0
25	№1-мактабгача таълим ташкилоти	44	3	0	2	0	1	0	0	0
26	№20-мактабгача таълим ташкилоти	33	2	0	1	1	0	0	0	0
27	№20-умумий ўрта таълим мактаби	47	3	0	2	0	1	0	0	0

28	№21-мактабгача таълим ташкилоти	25	1	0	1	0	0	0	0	0
29	№21-умумий ўрта таълим мактаби	66	4	1	1	1	1	0	0	0
30	№22-мактабгача таълим ташкилоти	26	1	0	1	0	0	0	0	0
31	№22-умумий ўрта таълим мактаби	72	3	0	2	0	1	0	0	0
32	№23-мактабгача таълим ташкилоти	25	1	0	1	0	0	0	0	0

33	№23-умумий ўрта таълим мактаби	80	6	1	4	0	1	0	0	0
34	№24-умумий ўрта таълим мактаби	87	6	1	2	1	1	1	0	0
35	№25-мактабгача таълим ташкилоти	25	1	0	1	0	0	0	0	0
36	№25-умумий ўрта таълим мактаби	70	5	1	3	0	1	0	0	0
37	№26-мактабгача таълим ташкилоти	43	2	0	1	1	0	0	0	0

38	№26-умумий ўрта таълим мактаби	137	10	1	4	0	2	1	1	1
39	№27-мактабгача таълим ташкилоти	25	1	0	1	0	0	0	0	0
40	№27-умумий ўрта таълим мактаби	67	4	1	1	1	0	0	1	0
41	№28-мактабгача таълим ташкилоти	26	2	0	1	0	0	0	1	0
42	№28-умумий ўрта таълим мактаби	101	9	1	4	1	2	0	1	0

43	№2-мактабгача таълим ташкилоти	30	2	0	1	0	0	0	1	0
44	№2-умумий ўрта таълим мактаби	130	12	1	3	1	5	1	1	0
45	№30-мактабгача таълим ташкилоти	29	2	0	1	0	0	0	0	1
46	№30-умумий ўрта таълим мактаби	67	5	1	1	1	2	0	0	0
47	№31-мактабгача таълим ташкилоти	28	1	0	1	0	0	0	0	0
48	№31-умумий ўрта таълим мактаби	38	3	0	1	1	1	0	0	0

49	№32-мактабгача таълим ташкилоти	35	2	0	2	0	0	0	0	0
50	№32-умумий ўрта таълим мактаби	80	7	1	2	1	3	0	0	0
51	№33-умумий ўрта таълим мактаби	121	10	1	5	0	4	0	0	0
52	№63-мактабгача таълим ташкилоти	31	2	0	1	0	0	0	1	0
53	№34-мактабгача таълим ташкилоти	32	2	0	1	1	0	0	0	0
54	№34-умумий ўрта таълим мактаби	42	3	0	1	1	1	0	0	0

55	№35-мактабгача таълим ташкилоти	41	3	0	2	0	1	0	0	0
56	№35-умумий ўрта таълим мактаби	61	5	0	2	1	2	0	0	0
57	№36-умумий ўрта таълим мактаби	44	3	0	1	1	1	0	0	0
58	№37-мактабгача таълим ташкилоти	30	2	0	1	0	0	0	1	0
59	№37-умумий ўрта таълим мактаби	66	3	0	1	0	1	0	1	0

60	№38-мактабгача таълим ташкилоти	48	3	0	1	0	1	0	1	0
61	№38-умумий ўрта таълим мактаби	49	4	0	1	0	2	0	1	0
62	№39-мактабгача таълим ташкилоти	34	1	0	1	0	0	0	0	0
63	№3-мактабгача таълим ташкилоти	36	2	0	1	0	0	0	0	1
64	№3-умумий ўрта таълим мактаби	96	6	0	2	1	3	0	0	0
65	№40-мактабгача таълим ташкилоти	33	2	0	1	0	1	0	0	0

66	№40-умумий ўрта таълим мактаби	77	3	0	1	0	1	0	0	1
67	№41-мактабгача таълим ташкилоти	31	2	0	1	0	0	0	1	0
68	№41-умумий ўрта таълим мактаби	59	4	0	1	0	2	0	1	0
69	№42-мактабгача таълим ташкилоти	43	3	0	1	0	1	0	1	0
70	№42-умумий ўрта таълим мактаби	73	5	0	1	1	2	0	0	1
71	№43-умумий ўрта таълим мактаби	58	4	0	1	0	2	0	0	1

72	№44-мактабгача таълим ташкилоти	33	2	0	1	0	0	0	1	0
73	№44-умумий ўрта таълим мактаби	135	3	1	1	0	1	0	0	0
74	№45-умумий ўрта таълим мактаби	65	4	0	1	0	2	0	1	0
75	№46 умумий урта таълим мактаб	46	3	0	0	1	1	1	0	0
76	№46-мактабгача таълим ташкилоти	32	2	0	1	0	0	0	0	1
77	№47-мактабгача таълим ташкилоти	30	2	0	1	0	1	0	0	0

78	№47-умумий ўрта таълим мактаби	43	3	0	1	1	1	0	0	0
79	№48-мактабгача таълим ташкилоти	30	2	0	1	0	1	0	0	0
80	№48-умумий ўрта таълим мактаби	40	3	0	1	0	1	0	1	0
81	№49-умумий ўрта таълим мактаби	37	3	0	1	0	1	0	1	0
82	№49-мактабгача таълим ташкилоти	32	2	0	1	0	0	0	1	0
83	№4-мактабгача таълим ташкилоти	49	4	0	1	0	2	0	1	0

84	№50-мактабгача таълим ташкилоти	26	3	0	1	0	1	0	1	0
85	№51-мактабгача таълим ташкилоти	27	2	0	1	0	0	0	1	0
86	№53-мактабгача таълим ташкилоти	28	2	0	0	0	1	0	1	0
87	№5-мактабгача таълим ташкилоти	41	3	0	1	0	1	0	1	0
88	№61-мактабгача таълим ташкилоти	26	1	0	0	0	0	0	1	0
89	№63-мактабгача таълим ташкилоти	26	1	0	0	0	0	0	1	0

90	№6-мактабгача таълим ташкилоти	69	4	0	1	0	1	1	1	0
91	№7-умумий ўрта таълим мактаби	71	5	1	2	0	2	0	0	0
92	№8-мактабгача таълим ташкилоти	60	5	0	2	0	2	0	0	1
93	№8-умумий ўрта таълим мактаби	70	4	0	2	0	1	0	1	0
94	№9-мактабгача таълим ташкилоти	38	3	0	2	0	1	0	0	0
95	№9-умумий ўрта таълим мактаби	90	6	1	2	1	2	0	0	0

96	№1-умумий ўрта таълим мактаби	139	12	1	3	1	4	1	1	1
97	№12-умумий ўрта таълим мактаби	87	7	1	2	1	2	0	0	1
98	№55-умумий ўрта таълим мактаби	60	6	1	1	0	2	1	0	1
99	№54-умумий ўрта таълим мактаби	30	3	0	1	0	1	0	1	0
100	№56-умумий ўрта таълим мактаби	40	4	0	1	1	1	0	0	1

101	№51-умумий ўрта таълим мактаби	40	4	1	1	0	1	0	1	0
102	№50-умумий ўрта таълим мактаби	30	3	0	2	0	1	0	0	0
Туманжами:	**8280**	**512**	**30**	**181**	**58**	**157**	**28**	**46**	**12**	